

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail: postda@mail.uz • 2015-yil 1-avgust, shanba • № 31(4132)

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги олдида

БАЙРАМНИ ЯНГИ УЙДА НИШОНЛАЙМИЗ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Бухоро вилояти ички ишлар идоралари ходимларидан бир гуруҳи 43 оилга мўлжалланган кўпқаватли замонавий турар жойларга кўчиб кирди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ички ишлар идораларида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида соҳа фаолияти такомиллашиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бораётгани, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга камарбаста бўлаётган осойишталик посбонлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Кейинги йилларда Бухоро вилоятида осойишталик посбонларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ишлар кўлами янада кенгайди. Вилоят марказидаги иккита турар жой биноси реконструкция қилиниб, соҳа ходимлари учун хизмат уйлари сифатида берилиши ҳам кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик ифодасидир. Мазкур объектларда бош пудратчи «Бухоро монтажстройсервис технология» шўба корхонаси лойиҳа-смета қиймати 2 миллиард сўмликдан зиёд бўлган бунёдкорлик ишларини амалга оширди.



Жаҳонгир ШАРИПОВ олган суратлар.

Тадбирда ички ишлар идоралари ходимларига хизмат уйлари калитлари тантанали равишда топширилди.

– Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибордан, уй-жой шароитимиз яхшиланганидан жуда хурсандмиз, – дейди вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси 1-алоҳида милиция батальони катта инспектори, сержант Алишер Тўраев. – Шу пайтга қадар Вобкент туманидан қатнаб ишлардим. Мана энди оилам ҳам Бухоро шаҳрида яшайди. Хизмат уйимизда барча қулайликлар яратилган.

– Эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётганимдан фахрланаман, – дейди Бухоро шаҳар ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи катта инспектори, капитан Динора Шарипова. – Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрамини уч хонали янги уйда нишонлаймиз. Болаларим спортни яхши кўради. Бу ерда спорт майдончаси қурилиб, турли жиҳозлар ўрнатилганидан улар жуда мамнун.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳоқими М. Эсонов сўзга чиқди.

Э. ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири.

1 август – Маҳаллалар куни

ФАРОВОН ГЎША ОДАМЛАРИ

Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, кундан кунга бир-бирдан ободлашиб бораётган кўркем ва файзли маҳаллаларни кўриб кўзингиз қувнайди. Кенг ва

равон кўчалар, тоза-озода хонадонлар баҳри дилингизни очади. Шинам хонадонларда яшаётган юртдошларимизга ҳавас қиласиз.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Ўрта овул» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Обод турмуш маҳалласи мана шундай файзли ва чиройли масканлардан биридир. Мазкур маҳаллада новвойхона, сартарошхона, тикув цехи, гўзаллик салони, стоматология, дорихона ҳамда аҳоли эҳтиёжи учун зарур кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда. Эътиборли томони, улар аҳолига

сифатли хизмат кўрсатишдан ташқари кўпга ёшларнинг иш билан таъминланишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, биргина новвойхона ва тикув цехида 25 тага янги иш ўрни яратилди. Спорт майдончаларида ёшлар турли сеvimли машғулотлари билан шуғулланиб, жисмонан чиникишмоқда. Томорқаларда етиштирилаётган турли полиз маҳсулотлари эса дастурхон тўқинлигига хизмат қилаётир.



– Маҳалламизда 2700 нафардан зиёд аҳоли тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳомид Бойматов. – Уларнинг 400 на-

фарга яқинини вояга етмаганлар ташкил этади. Бу, ўз навбатида, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратиб, келгусида юртимиз равнақига муносиб

ҳисса қўшувчи инсонлар бўлиб камол топишига эришиш учун зиммामизга алоҳида масъулият юклайди.

(Давоми 3-бетда).



«ЧОТҚОЛ»ДА ДЎСТЛАР ЖАМЛАНДИ

Серкўёш ўлкамизда сўлим гўшалар, хушманзара масканлар жуда кўп. Биргина Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида кўплаб ана шундай дам олиш масканлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Эртамиз эгалари бўлган баркамол авлоднинг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун мазкур масканларда барча шароитлар муҳайё этилган. Оромгоҳларда тинчлик-осойишталик ва жамоат тартибини сақлаш, келиб-кетиш жараёнларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин содир этилишининг олдини олиш борисиди вилоят ИИБ соҳавий хизматларидан масъул ходимлар бириктирилган. Дам олиш мавсумида болажонлар турли тўғаракларга қатнашиши, маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиб, ўз истеъдодларини намойиш қилишлари мумкин. Бугунгача республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган кўплаб ўқувчилар оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришди, мавсум эса давом этмоқда.

Тумандаги Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Чотқол» болалар соғломлаштириш

оромгоҳида ҳар йили «Чотқол дўстларни чорлайди» деб номланган болалар ижодиёти фестивалини ўтказиш аънамага айланган. Бу йил ҳам мазкур гўшада «Бетакромимсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган аънавий

да болаларнинг мустақил ижодий ишлари кўргазмаси намойиш этилган, байрамона безатилган майдонда иштирокчилар олқишлар билан кутиб олинди.

Фестивални «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Эркин



кўринишларига бойлиги билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Айниқса, уларнинг миллий либослар-

соғломлаштириш оромгоҳи катта тарбиячиси Гулбахор Қобилова. — Шу мақсадда маданий кўнгилочар тадбирлар, турли спорт ўйинлари мунтазам равишда ўтказиб бориляпти. Мазкур фестиваль ҳам болажонларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаб, улар ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга турли эсдалик совғалари ҳамда ширинликлар улашилди. Уларнинг юз-кўзларида порлаётган қувонч эса бўлиб ўтган тадбирдан қанчалар завқ туйганини англатиб турарди.

Иномжон РАХИМХЎЖАЕВ,
сержант.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.



фестивалда «Ёшлик», «Нихол», «Металлург», «Конструктор» каби оромгоҳларда дам олаётган ўқувчилар иштирок этишди.

Хушманзара «Чотқол» меҳмонларни қувноқ мусиқа садолари билан кутиб олди. Оромгоҳда мавсум давомида фаолият юритган тўғараклар-

Дехқонов очиб, мазкур сай-ҳаракатларнинг барчаси болаларни юксак маънавий, ватанпарварлик, буюк аждодларимиз мероси ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида амалга ошириляётганини таъкидлади. Шундан сўнг майдонда миллий ҳамда замонавий рақслар ижро этилди, кишини ватанпарварликка ундовчи қўшиқлар янгради. Болажонларнинг ҳар бир чиқиши, ўзига хос, қизиқарли сахна

да ижро этган рақслари кўпчилиқда катта таассурот қолдирди.

— Болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш билан бирга, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишларига ҳам муносиб ҳисса қўшиш асосий вазифамиздир, — дейди «Чотқол» болалар



ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Узоқдаги душмандан ёнингдаги нияти бузуқ ўн чандон ёмон.
* * *

Синиқдан бутун бўлмайдилекин бутун синади. Шунинг учун ҳар киши ўзини пиёла мисоли авайлагани яхши.
* * *

Сотқин — супурги: у қаерда ишлатилса, ўша ерни тозалаб кетаверади ва ўзи бурчакда ётаверарди.
* * *

Ҳар бир жамоа мисоли гулзор. Аммо улар орасида тиконли гуллар ҳам бор.
* * *

Во ажаб, дўст билан виждон бозори йўғу, лекин улар ҳамма ерда сотилади.

Шухрат РЎЗИЕВ.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳар йили Ой Ердан тўрт сантиметр узоқлашади.
* * *

Одамларнинг икки фоизи ўз тирсагини ялай олади.
* * *

1932 йилнинг қиши шунчалик совуқ келганки, ҳатто Ниагара шаршараси музлаб қолган.
* * *

Мутлақ сукунатга одамзод узоғи билан 40 соатгача тоқат қила олади.
* * *

«Папарацци» сўзи итальянча бўлиб, «хира пашша» деган маънони англатади.
* * *

1859 йилда Австралия ҳудуди-га 24 бош қуён қўйиб юборилган

эди. Орадан олти йил ўтиб уларнинг сони икки миллионга етганди.
* * *

Биологларнинг ҳисоб-китоби-га қараганда, Ер юзидаги ёнғоқ дарахтларининг бир миллион тупга яқини олмахонлар туфайли кўкариб чиққан. Гап шундаки, бу жониворлар кўпинча ёнғоқни ерга қўйиб қўйиб, баъзан қаерга қўмганини унутиб юборади.
* * *

Ўн иккинчи қаватдан тушиб кетган мушукнинг еттинчи қаватдан қулаб тушган мушукдан тирик қолиш имконияти кўпроқ экан.

БУЮКЛАР ҲАЁТИДАН

Машҳур юнон файласуфи Суқротдан шогирдлари сўрашибди:

— Никоҳ кўнгилдагидек бўлиши учун қандай шартлар керак?

Суқрот жавоб берибди:

— Бунинг учун икки нарса, яъни эр қар, хотин сўқир бўлиши керак.

* * *

Хемингуэй ашаддий овчи бўлган. Бир куни ов саргузаштларидан ҳикоя қилаётганида тингловчилардан бири ногоҳ сўраб қолибди:

— Мабодо одам қўлида ёниб турган машғала олиб юрса, биронта ҳам ҳайвон унга даф қилмайди, дейишарди. Шу ростми?

— Бу машғалани қандай тезликда олиб юришга боғлиқ, — дебди адиб.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**

Mas'ul kotib v.b. –

Zokir BOLTAYEV

Navbatchi –

Sherzod ABDUSAMADOV

Sahifalovchi –

Rustam ISOQULOV

Matn ko'chiruvchi –

Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:
231-33-88;
Faks: 255-31-39.



Tahririyat hisob raqami
20210000900447980001,
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-3560. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69405 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00. Bosishga topshirildi – 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.